

Масжид ходими бўлиш улкан бахт эканлиги



17:00 / 09.05.2021 2398

”مُقَيِّنَاكَ اَدْوَسَ اَزْمَلًا وَاَدْوَسَا اَلْحَرَّ نَاوْنَعُ لَلِ يَضَرَّ رِيْرُهُ يَبْأَنَّ
اَوْلَاَقَ هُوَ مَلَسَ وَاوَيْلَعُ لَلِ يَلَّصُ يَبْنَلِ لَاسَفَ تَامَفَ دَجَسَمَلِ
هُرْبَقَ يَتَأَفُّ هُرْبَقَ يَلَعُ يَنْوَلُّدُ؟ وَبِ يَنْوَمُ تَنْدَا مُتُنُّكَ اَلْفَا: اَلِاقَ تَام
هُتَالْتَلِ اَمُهَاورِ يَلَعُ يَلَصَفَ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Бир қора киши ёки аёл масжидни тозалаб юрар эди. У вафот қилди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда сўрадилар.

«У вафот этди», дейишди.

«Буни менга билдирсаларингиз бўлмасмиди? Менга унинг қабрини кўрсатинглар!» дедилар ва унинг қабрига бориб, (жаноза) намоз ўқидилар».

Икки ҳадисни уочвлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан Исломи дини масжидни тоза тутиш учун хизмат қиладиган ходимни нақадар улуғлашни кўриб турибмиз. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам турли аслзодалар, бой-бадавлат одамлар ва казо-казоларнинг ўлимидан беҳабар қолганлари учун эмас, масжидни тозалаб юривчи бир қора танли ходимнинг жанозасидан беҳабар қолганлари учун саҳобаларини койидилар.

Масжид Аллоҳнинг уйидир. Бу уйнинг хизматини қилувчи одамнинг ҳам мақоми улуғдир. Албатта, ўша одам бу мақомга лойиқ бўлиш шарти билан.

Эҳтимол, саҳобаи киромларнинг хаёлига бир қора қулнинг ўлими ҳақида хабар қилиб, Расулulloҳни овора қилмайлик, деган фикр келган бўлса, ажабмас. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нафақат саҳобаларни унинг жанозасига чақирмаганликлари учун койидилар, балки қабрни топиб бориб, жаноза намози ўқидилар. Ўша кўпчилик назаридан четда юрган қора танли ходим Аллоҳнинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улкан эътиборларига сазовор бўлди. Ана шу аёлнинг сабабидан шариатимизда қабр устида жаноза намоз ўқиш ҳукми жорий қилинди.

Ҳа, масжиднинг хизмати, хусусан, уни пок тутиш учун бўладиган хизмат Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломлардан қолган меросдир.

Қадимда Аллоҳ Оли Имронни ҳам Ўз ибодатхонасининг хизматини қилиш имконини бериш билан улуғлаган эди. Имроннинг аёллари Ҳанна эса туғадиган боласини «Масжидул Ақсо»га хизматкор қилиб атаган эдилар, Биби Марям туғилдилар. У кишидан Ийсо алайҳиссалом дунёга келдилар.

Сарвари олам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам масжид қуришда ва уни пок сақлашда шахсан ишлаганларини тарихдан яхши биламиз.

Энди масжид ходими бўлиш улкан бахт эканлигини тўла англаб етишимиз лозим. Кимга бу бахт насиб этса, унга муносиб бўлишга ҳаракат қилсин.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди